

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

АРЗОН ВА СИФАТЛИ МАҲСУЛОТЛАР ЯРМАРКАСИ

аҳолига қулайлик яратиб, нарх-наво барқарорлиги, бозорларимиз
тўкин-сочинлигини таъминлашга хизмат қилмоқда

Янги йил байрамига ҳам саноқли кунлар қолди. Байрамлар арафасида вилоятимизнинг тадбиркор фермерлари аҳоли учун ўзига хос совға ҳозирлаши аънавага айланган. Мазкур аънаванинг ўзвий давоми сифатида 1 декабрдан бошлаб, вилоятимиз шаҳар ва туманларидаги йигирмага яқин деҳқон бозорлари қошида қирқ учта қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ярмаркаси фаолияти йўлга қўйилди. Тўлов терминаллари билан тўлиқ жиҳозланган ушбу савдо нуқталари орқали 11 декабргача аҳолига 739,1 тонна асосий турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари арзонлаштирилган нархларда етказиб берилди. Бу борадаги ишлар қизгин паллага кирди.

"Тошвибозорсавдо" уюшмаси, маҳаллий ҳокимликлар ва бозор фаолиятига масъул идоралар ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу байрамолди савдо ярмаркалари-га вилоятимиздаги 984 фермер хўжалиги, қўлаб савдо-харид қорхоналари жалб этилган.

Бозорларда фермер хўжаликлари вакиллари ўзлари етиштирган маҳсулотларни ҳар қандай тўсиқлар-сиз, тўғридан-тўғри сотишлари учун "дала-дўкон" тамойили асоси-да барча қулай шароитларга эга 356 та савдо растаси ажратилган.

— Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжа-лиги маҳсулотлари ярмаркаси шахримиз аҳолисига ҳар жиҳат-дан манзур бўлмоқда, — дейди Чирчиқ шаҳридаги "Чирчиқ деҳқон бозори" масъулияти чекланган жа-мияти директори ўринбосари Асқаржон Қорақўзиев. — Ярмаркада Бўстонлик ва Паркент туманлари миришкорлари ўзларининг деҳ-қончилиги ва боғдорчилик, қўбрай-лик фермерлар эса гўшт маҳсу-лотлари билан қатнашмоқда. Шу-нингдек, бир қатор ишлаб чиқа-рувчи қорхоналар Янги йил бай-рами дастурхонини безатиш учун



тайёрлаган маҳсулотларини на-мойиш этаётир.

Ярмаркада иштирок этаётган фермерлар орасида қўбрайлик шу соҳа вакиллари ҳам кўпчиликини ташкил этади. Шароф Шокиров — улардан бири.

— Бу ерда бизга етарлича шарт-шароит яратиб берилган, — дей-ди сабзавотчиликка ихтисослаш-ган "Туркистон агро мед плюс" фермер хўжалиги раҳбари Ш. Шокиров. — Бундан унумли фой-даланиб, хўжалигимизда етишти-

рилган сабзи, пиёз, қовоқ каби ўн хилга яқин маҳсулотларни хари-дорларга маъқул нархларда сот-моқдамиз. Биз, фермерларга яра-тиб берилаётган бундай шароит ташкил этади. Шароф Шокиров — улардан бири.

— Айни қиш фасли бўлишига қарамадсан бозор турфа ноз-неъматларга тўлиб-тошган, — дей-ди чирчиқлик Назира Бойназаро-ва. — Мухими, улар сифатли ва

арзон. Бугун Қўбрайда етишти-рилган помидор ва бодрингдан сотиб олиб, Паркентнинг донғи кетган узумидан ҳам икки кило ха-рид қилдим. Сархил маҳсулотлар-нинг сероблиги юртимиздаги фа-ровонлик, байрам арафасида аҳолига яратилаётган қулайлик-лардан далолатдир.

Мазкур савдо ярмаркалари 2017 йил 5 январгача давом этади.

Холмурод САЛИМОВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.
Мансур НАХАЛОВ
олган сурат.

Имконият

Бугун юртимизда Бош Қомусимизда белгиланган ҳуқуқлардан фойдала-ниб, ўз мулкига эга бўлган ва хусусий бизнесини йўлга қўйиб, мамлакатимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигига муносиб ҳисса қўшаётган тадбир-корлар сафи тобора кенгайиб бормоқда. Уларнинг эмин-эркин фаолият юритиши учун барча шароит ва имкониятлар яратилган.

Бунди Қўбрай туманида ташкил этилган "Қўбрай-якка чинор" масъулияти чекланган жамияти фао-лияти мисолида ҳам кўриш мумкин. Изланув-чан тадбиркор Элёр Сай-дахмедов уч йил илгари ўз бизнесини йўлга қўяр экан, бозор вазиятини ўрганиб чиқди ва маҳал-лий хом ашёдан фойда-ланиб, бугун республика бозорида танқис, айна пайтда харидорлар стек-лохолст ишлаб чиқариш-ни аҳд қилди. Илгари бу маҳсулот асосан четдан келтириларди.

Шу тариха хориждан зарур ускуна келтирилиб, замонавий технология асосида янги маҳсулот ишлаб чиқарила бошлан-ди. Қисқа фурсатда у юқори сифати билан ички бозорда ўз ўрнини топиб улгурди.

Стеклохолст жаҳон бо-зорида талаб катта маҳ-сулотлардан бири бўлиб, ишша хом ашёдан фой-даланган ҳолда тайёрла-нади ва биналарнинг таши-к ва ички деворла-ри ҳамда шифтларини

ТАДБИРКОРНИНГ ҚУТЛУҒ НИЯТИ

бўйш ва безак беришдан олдин ишлатилади. У ҳар қандай ўзгарувчан об-ҳаво шароитига чидамли бўлиб, кўп микдорда бўёқ ҳамда бошқа маҳсулот-ларни тежаш имконини беради. Энг муҳими, бу экологик тоза ва хавфсиз маҳсулот сифатида эъти-роф этилган.

— Тадбиркорликнинг ривожини учун яратилган кенг имтиёз ва префе-ренциялар биз каби иш-билармонларга ўз бизне-симизни эркин олиб бо-риш, янги ишлаб чиқа-риш ҳамда хизматларни ўзлаштириш имконини бермоқда, — дейди жа-мият раҳбари Элёр Сай-дахмедов. — Албатта, бирор ангиллиқни жорий этиш асосида ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш янгича ёндашув ва масъ-улият талаб қилади. Ле-

кин, изланган, интилган қараб қолмас экан. Бугун маҳсулотларимиз юқори сифати, халқаро талаб-ларга жавоб бериши билан хариддорларга ман-зур бўлмоқда. Ҳозир ўттиздан ортиқ қорхона билан ҳамкорликни йўлга қўйганмиз. Шу йилнинг ўтган даврида ички бо-зорга 3 миллион квадрат метрдан зиёд маҳсулот чиқардик.

Бугун қорхонада меҳ-нат қилаётган 20 нафар-дан зиёд ишчи-ҳодим-ларнинг аксарияти касб-хунар коллежини битир-ган ёшлардир. Тадбир-корнинг таъкидлашича, келгусида қорхонада қўшимча тармоқларни йўлга қўйиш ҳисобига янги иш ўринлари яра-тиш режалаштирилмоқ-да.

Ўз мухбиримиз.

БАХТИМИЗ ҚОМУСИ

Чирчиқ шаҳридаги тиббиёт коллежида "Конституция — бахтимиз қомуси" мав-зуида тадбир бўлиб ўтди.

Тадбир

Кенг жамоатчилиги ва вакиллари ва коллеж ўқитувчи ҳамда ўқувчи-лари иштирок этган мазкур тадбирда Кон-ституцияимиз билим ва касб-хунарлар-ни пухта ўзлаш-тирган, мустақил фикрлайдиган, интеллектуал салоҳияти юксак авлодни тарбия-лашга хизмат қилаётгани ало-ҳида таъкидлан-ди.

Бинобарин, таълим муассаса-ларида Кон-ституцияимизни ўрганиш, ҳуқуқий таълим-тарбия сифатини оши-риш мақсадида

ўтган йилларда бир қатор ўқув-услубий қўл-ланмалар яратилди. Шу мақсадда ўтказилаётган турли кўрик-танлов, уч-рашув ва давра суҳбат-

лари муҳим аҳамият касб этмоқда.

Тадбирда, шунингдек, Конституцияимизда дав-лат суверенитети ва унинг дахлсизлиги, фуқа-ролар ҳаёти, эркинлиги, шаъни ва қадр-қиммати мустаҳкамланганлиги ху-сусида атрофлича сўз юритилди.

Севинч АБДУСАИДОВА.



Қўблайон ҚОҒУРОВ олган сурат.

ТРАНСПОРТ ХИЗМАТИ СИФАТИ ЯНАДА ОШИРИЛАДИ

— Аввало, агентлик-нинг вилоят ҳудудий бўлими аҳолига авто-транспорт хизмати кўрсатишни ривож-лантириш йўлида амалга ошираётган ишлар ҳақида маълум-от берсангиз.

— Ҳудудий бўлимининг вилоят автотранспорт хўжалиги бошқарувининг ваколатли органи бўлиб, транспорт хизмати жараёнини бошқариш ва тартибга солиш, аҳоли талабини тўлиқ қондириш мақсадида ўз таркибиди-га қорхона ҳамда авто-транспорт воситаларида хизмат кўрсатувчи ташки-лотлар фаолиятини тако-миллаштириш, уларнинг иш самарадорлиги ва сифатини оширишни му-вофиқлаштиради ҳамда назорат олиб боради. Шу мақсадда йўловчи

Автотранспорт хизмати мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг асо-сий таркибий қисмларидан бири сифатида аҳолининг турмуш фаровонлигини оширишга бевосита қўмаклашади. Жамоат транспортининг ҳар жиҳатдан яна-да қулай бўлишини таъминлаш мақсадида республика миқёсида ўтказилаётган турли ойлик ва бошқа тадбирлар эса тармоқни ривожлантиришда муҳим роль ўйнамоқда. Хусусан, 2016 йилнинг 20 ноябрдан 20 декабргача мўлжалланган "Автотранспорт воситаларида йўловчиларга сифатли хизмат кўрсатиш ойли-ги" доирасида вилоятимизда ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. Мухбиримиз Ўзбекистон Автомобиль ва дарё транспорти агентлиги вилоят ҳудудий бўлими бошлиғи Муҳиддин Сулонов билан соҳани ривожлантиришнинг асосий йўналишлари ва мазкур ойлик доирасидаги чора-тадбирлар ижроси хусусида суҳбатлашди.

Ойлик давом этмоқда

ташиш хавфсизлигини таъминлаш ва хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш, транспорт воситаларининг йўналиш-ларда белгиланган жад-валга бўйича, оралиқдаги вақтга риоя этган ҳолда ҳаракатланишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бўлим вилоятимиз шаҳар ва туманларида йўловчи-ларни ташиш юзасидан белгиланган қондаларга

амал қилишни таъмин-лаш, тизимда тартиб-ин-тизомни мустаҳкамлаш мақсадида мутасадди идора ва ташкилотлар билан ўзвий ҳамкорлик ўрнатган. Шунингдек, кел-гусида аҳолига кўрсати-лаётган автотранспорт хизматлари сифатини янада ошириш ва тако-миллаштириб бориш мақ-садида ишлаб чиқилган манзилли дастурга муво-

фиқ, жамоат транспорт-лари паркинни замонавий автоуловлар билан тўлди-риб бориш изчил давом эттирилмоқда.

Бир сўз билан айтган-да, бугун вилоятимиз шаҳар ва туманларида йўловчиларга зарур қулайликлар яратилган автотранспорт восита-ларида сифатли хизмат кўрсатишга қаратилган чора-тадбирлар фуқаро-

ларнинг ўз манзиллари-га беҳавотир етиб бориш-ларини таъминламоқда.

— 20 декабрга қа-дар давом этадиган ойликдан кўзланган мақсад ва белгилан-ган тадбирларнинг мазмун-моҳияти ни-малардан иборат?

— Мазкур ойликни ҳар томонлама сифатли ва самарали ўтказиш мақса-дида Агентлик вилоят ҳудудий бўлимининг ало-ҳида чора-тадбирлар ре-жаси ишлаб чиқилди. Биринчи навбатда, ҳудудий бўлимининг барча тоифадаги ҳодимлари ушбу ҳужжатнинг мақса-ди ва мазмун-моҳияти билан батафсил таниш-тирилди ҳамда амалга оширилиши лозим бўл-ган вазифалар белгилаб олинди.

Давоми 2-бетда. ➡



Сифатли бугдойдан бойитилган ун

Бекобод шаҳрида "Бекобод кўр-ғони" масъулияти чекланган жамия-ти қошида фаолият бошлаган за-монавий тегирмон суткасига 120 тон-на бугдойни қайта ишлаш қувватига эга.

Хорижнинг юқори унумли технология ли-ниялари билан жиҳозланган қорхонада маҳсулотнинг сифат кўрсаткичлари замо-навий компьютер дастурлари орқали бош-қарилади. Шу боис, бу ерда тайёрланаёт-ган унларга ҳамда манний ёрмасига нафа-қат ички, балки ташқи бозорда ҳам талаб етарли. Маҳсулот таркибидеги шифобахш маъданлар кўрсаткичининг меъёрида бўли-шини таъминлаш учун қорхона қошида ма-лакали мутахассслардан иборат махсус лаборатория ишлаб турибди.

Экспортчи тадбиркорлар сафи кенгаймоқда

Мамлакатимизда "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўл-лаб-қувватлаш жамғармаси" ва унинг ҳудудий филиаллари фаолият олиб бораётганидан хабардорсиз.

Хусусан, мазкур жамғарманинг вилоят филиали томонидан тадбиркорларга экспорт жараёнида юза-га келиши мумкин бўлган ҳар қандай масала ва муам-моларни бартараф этишда ташкилий-ҳуқуқий жиҳат-дан қўмаклашиб, керакли маслаҳат ҳамда молия-вий ёрдамлар бериб келинмоқда.

"Greater Victory" масъулияти чекланган жамияти жа-мгарма қўмағида ўзининг илк экспорт амалиётини рўёб-га чиқарган субъектлардан бири. Асосан қишлоқ хўжа-лиқ маҳсулотларини қайта ишлаш билан шуғулланади. Жамгарма қўмағи билан жамоа 72,7 минг АҚШ долла-рлик маҳсулотини экспорт қилишга муваффақ бўлди.

Умуман, жорий йилнинг тўққиз ойида жамғарма филиали томонидан жами 160 дан ортиқ тадбиркор-лик субъектларига худди шундай амалий қўмақ кўрса-тилиб, умумий қиймати 212,6 млн. долларлик экспорт шартномалари тузилишига муваффақ бўлинди.

Ободлик тўғралари

Паркент туманининг Сўқоқ қишлоғида ҳам аҳоли учун ободлик ва фаровонликка хизмат қилувчи кўплаб бунёдкорлик лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Бу ерда маҳаллий тадбиркорлар сазъ-ҳаракати билан барпо этилиб, фойдаланишга топширилган "Бунёд" тўй ва маросимлар ўтқа-

зиш мажмуаси хизмат-ларидан тоғли қишлоқ аҳли мамнун. Мажмуа-дан 500 ўринли тантана-лар зали, шунингдек, 140 кишига мўлжаллан-

ган дам олиш маскани ўрин олган.

"Бугун қишлоғимизда чинакам бунёдкорлик руҳи ҳукмрон. Беш кило-метрлик ичимлик суви

кувурларининг тортилиши билан қўшимча 100 га яқин хонадонга зилло сув кириб борди. Кейинги икки йилнинг ўзида ҳудудимизда бир йўла 4 та янги савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шаҳоб-часи қуриб битказилди", дейишмоқда сўқоқлик-лар.

Имтиёз ва рағбат

Вилоят ноғиронларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш маркази ташаббуси билан "Сиз ўз ҳуқуқингизни биласизми?" мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

Вилоятимиздаги тегишли касб-хунар коллежларининг ўқувчи ва ўқитувчилари иштирок этган тад-бирда юртимизда ноғиронларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, саломатлигини тиклаш учун яра-тилган имконият ва имтиёзлар ху-сусида сўз борди.

— Коллежларда таҳсил олаётган

жисмоний имконияти чекланган йигит-қизларга барча зарур ша-роитларни яратиш, уларнинг иқтидорини юзага чиқариш мақ-садида ташкил этилган бу каби тадбирларда ўқувчилар ўз лойи-ҳалари билан фаол иштирок эт-

моқда, — дейди марказ раҳбари Юлдуз Мирзакаримова. — Улар-нинг режалари амалга ошишига, хусусан, янги иш ўринлари яра-тилишига яқиндан қўмақ бериш-га алоҳида эътибор қаратилаёт-ти.

Давра суҳбати якунида иштирок-чиларга эсдалик совгалари топши-рилди.

"Тошкент ҳақиқати" мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

□ Фармон ва ҳаёт

МУШТАРАК МАҚСАДЛАР ИФОДАСИ

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар самарасини бугун бутун дунё эътироф этмоқда. Хусусан, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, қўлай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, ишбилармонларга қўшимча қўлайлик ва имтиёзлар бериш, саноат тармоқларини ривожлантириш аҳоли учун қўллаб-қўйиш иш ўринлари яратиш баробарида ички бозорларимизни импорт ўрнини босадиган хилма-хил маҳсулотлар билан тўлдирмоқда. Бу, ўз навбатида, экспорт салоҳиятимизнинг юксалишида ҳам асосий омил бўлаётир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ақинда эълон қилинган "Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ҳам тадбиркор ва ишбилармонларга қаратилаётган эътибор ва ғамхўрликнинг яна бир намунаси бўлди.

Мазкур Фармон хусусий мулкни ҳуқуқий ҳимоя қилишни янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва қўлай шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимизнинг инвестициявий салоҳиятини ошириш билан бирга соҳа ривожини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришнинг мустақамла замини бўлди, десак асло янглишмаймиз.

Зотан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг эркинлик бериш, уларнинг фаолиятига аралашувларни қисқартириш, аввало, соҳада ҳуқуқбузарликларга йўл қўйилмаслигини таъминлаш, уларнинг олдини олиш энг муҳим устувор йўналиш сифатида белгилангани эътиборлидир. Бу соҳа вакиллари ва жаҳзага эндигина кириб келаётганлар учун имкониятлар эшигини янада кенгроқ очилиш шубҳасиз.

Фармонда халқимизга хос бўлган бағрикенглик аъналарини ҳам қўриш мумкин. Хусусан, молия-ҳўжа-

лик фаолиятини амалга оширишда биринчи марта ҳуқуқбузарлик содир этган, тадбиркорлик фаолиятини давлат рўйхатидан ўтказмасдан амалга ошираётган шахсларни, агар улар етказилган зарарни қоплаган ёхуд ҳуқуқбузарлик оқибатларини белгиланган муддатда ихтиёрий бартараф этган бўлса, жавобгарлигининг барча турларидан озод қилиш белгиланган.

Энг муҳими, тадбиркорлик субъектлари фаолиятларини амалга ошириш ҳуқуқидан маҳрум қилинмайди. Бу эса маълум сабаб ва муаммолар туфайли шу жараёнда ҳуқуқбузарликка йўл қўйган тадбиркорларга кейинчалик фаолиятини қайта йўлга қўйиш имконини беради.

Шу муносабат билан Жинётов кодексига, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга, Солиқ кодекси ва бошқа бир қанча қонун ҳужжатларига тегишли ўзгаришлар ва қўшимчалар киритилди.

Фармоннинг бекаму кўст амалга оширилиши мамлакат иқтисодиёти-ни барқарор ривожлантиришнинг асосий омилли сифатида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш йўлидаги маъмурий ғовлар ва сунъий тўсиқларни бартараф этишга қаратилган давлат сиёсатининг изчиллигини таъминлаш имконини беради.

Абдумуталиб НУРМАТОВ,
вилоят прокуратураси
бўлим прокурори.

□ Интилиш

Мамлакатимиз қишлоқ ҳўжалигида йлғор технологиялар, инновацион лойиҳалар изчил амалиётга татиқ этилаётгани туфайли ҳосилдорлик тобора ортиб, қайта ишлаш саноати тараққий этмоқда. Албатта, бу йўлда боғдорчилик соҳасида ўлмас из қолдирган машҳур селекцияерларимиз цитрус ўсимликлари иқлимимизга мослаштириш, олий навларини яратиш борасида фидойилик кўрсатганини таъкидлаб ўтиш жоиз. Улардан бири она заминимизда илк бор цитрус ўсимликлари иссиқхона шароитида ўстириб, лимончиликка асос солган Ўзбекистон Республикаси Фарон академиясининг фахрий академиги, марҳум Зайниддин Фахриддинов эди.

ДЎСТЛИК БОҒИ
ҲОСИЛ БЕРГАНДА

1932 йили Ўзбекистонга Грузиядан лимон, апельсин, мандарин қўчатлари олиб келиниб, 32 та ҳўжалик ерига экилган. Аммо, юртимизда қиш тропик ва субтропик ўлкаларга нисбатан анча совуқ келиши боис, қўчатлар уч йиллик синовдан ўта олмади. Олимлар юртимиз иқлимида уларни ўстириб бўлмайди, деган хулосага келишди. Шундан кейин қўчат экилган майдонлар яксон қилинди. Бу манзара Зайниддин Фахриддиновнинг отаси, боғбон Фахриддин бобога қаттиқ таъсир этди. Шундан сўнг боғдорчиликка меҳр берган ўғли Зайниддинга мурожаат қилиб, бу масалага ечим топишини сўради. Чунки, Зайниддин 12 ёшиданок ерга назматак уруғини сеппиб, униб чиққан новдаларни пайвандлаш орқали қўчанига 1000-1200 донга аттиргул қўчатини етиштирганди. 5-6 йилда ҳосилга қирадиган ёнғоннинг ўқ илдизини кесиб, эртапишар нави яратган ҳам ёш Зайниддин эди.

1957 йилда З. Фахриддинов отасининг орузсини амалга ошириш мақсадида ўзи етиштирган аттиргул қўчатларини Грузияга олиб борди. У ердан лимон, апельсин, мандарин, грейпфрут қўчатларини келтирди. Пухта тажрибалаб асосида хандақ усулида иссиқхона қурди. Ўсимликлари шароитимизга мослаштириб, тупроқ унумдорлигини янада

оширишга эришди, ёш ниҳолларни гўдакдек авайлаб парваришлади. Кечалари иссиқхонада тунаб қолган пайтлари ҳам бўлди. Селекция ишлари билан жиддий шуғулланиб, қўтилганидан ҳам ортиқ натижаларга эришди. Ниҳоят, йиллаб чекилган заҳмат зое кетмади, лимон қўчатлари илк нишонсини берди.

Бугунги кунда мамлакатимиз бозор расталарини тўлдириб турган лимонларнинг барчаси ана шу чекилган заҳматнинг меҳнатининг натижасидир. Зайниддин ота яратган лимоннинг ўнга ақин, апельсиннинг "Ўзбекистон", мандариннинг "Тошкент" навлари нафақат мамлакатимизда, балки хорижий давлатларда ҳам етиштирилмоқда. Айтиш жоизки, Грузияда етиштирилаётган лимонлар таркибидан 3 фоизгача лимон кислотаси бўлса, Зайниддин отанинг лимонларида 7-12 фоизгача етади.

Бу бир ўзбек олимнинг ютуғи. Ўз фаолиятини халқ фаровонлигига хизмат қилувчи шундай кашфиётларга бағишлаган заҳматқаш олимлар ҳақида ҳар қанча ёзса кам. Бугун боғдорчилик соҳасида эришаётган муваффақиятларимизда, шубҳасиз, уларнинг салмоқли ҳиссаси бор.

Ориф НЕМАТОВ,
Беход ҚОБУЛОВ,
"Ўзбекистон-Грузия"
ҳамияти аъзолари.

Сир эмаски, бугунги кунда туризм индустрияси жаҳон иқтисодиётининг энг жадал ривожланиб бораётган тармоқларидан бирига айланди. Маълумотларга кўра, туризмнинг сайёрамиз яппи ички маҳсулотидеги улуши 10 фоиздан ортиқ, тармоқда меҳнатга қобилиятли аҳолининг 8 фоизга яқини иш билан банд, сайёҳлик хизматлари жаҳон экспортининг 7 фоиздан кўпрогини ташкил этади. Ушбу кўрсаткичлар мамлакатимизда ҳам соҳани жадал ривожлантириш фурсати аллақачон етганини кўрсатади. Ахир, Ўзбекистонимизнинг қўчна маданият бешиги эканлигини исботловчи 7 мингдан зиёд ноҳид тарихий ёдгорликлар, улугвор ва бетакрор архитектура намуналари мавжуд. Шунингдек, юртимизда санъат ва ҳўнармандчиликнинг кўп асрлик аъналарини авайлаб-асраб келинди ва ривожлантирилмоқда. Миллий таомларимиз ва пазандачилик соҳасидаги аъналаримиз Шарқ меҳмондўстлигининг рамзи ҳисобланади. Буларнинг барчасини дунё аҳлига яққол намойиш этиш ва диёримизга кўпроқ сайёҳларни жалб қилиш бугуннинг муҳим вазифаларидан.

ТУРИЗМ –
МАМЛАКАТНИ
ДУНЁГА ТАНИТАДИ

қўриқхона, Туябўғиз, Чорвоқ, Оҳангарон сув омборлари соҳиллари ҳар қандай меҳмонни мафтун этиши шубҳасиз. Қолаверса, кўп йиллик тадқиқотлар натижасида аниқланган 760 дан ортиқ археологик топилмалар – Қўлбулоқ сингари гоёт қадим масканлар, Қанқа, Банокат, Оқтепа каби қўчна шаҳар ва қўрғонлар харобалари, неча асрлик қонлар, мудофаа ва суғориш иншоотлари, замонавий сийҳатгоҳлар ички ва ташқи туризм ривожини учун муҳим ҳисобланади.

Президент Фармониди рақобатбардош туризм маҳсулотларини ишлаб чиқариш, минтақаларда янги туризм йўналишларини яратиш масалаларига ҳам ўтхалиб ўтилган. Бу борада Ангрен эркин иқтисодий ҳудудига берилган имкониятлар янги мудоа бўлиши аниқ.

Фармонга кўра, давлат сиёсатини самарали амалга ошириш, юқорида кўрсатиб ўтилган мақсадли вазифалар ҳамда устувор йўналишларни ташкил қилиш ва мувофиқлаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Туризм-

ни ривожлантириш давлат қўмитаси ташкил этилади, унинг минтақаларда бўлимлари ва ваколатли вакиллари фаолият олиб боради.

Фармонда сайёҳлик тизимида фаолият олиб борувчи ишбилармон ва тадбиркорларга жуда кўп имтиёзлар белгилангани эътиборлидир. Масалан, камида 4 юлдузли даражадаги меҳмонхона ва мотелларни фойдаланишга топширган юридик шахслар фойда солиғи, ер солиғи ва мол-мулк солиғидан, шунингдек, ягона солиқ тўловидан 5 йил муддатга озод қилинади. Туризм фаолияти субъектлари томонидан сизими 9 кишидан ортиқ бўлган янги автотранспорт воситалари сотиб олинганлиги учун Республика йўл жамғармасига йигим автотранспорт воситалари қўйиматининг максимал даражадаги 20 фоизи эмас, балки 3 фоизгача миқдорда ундирилади. Шу каби имкониятлардан унумли фойдаланиш юртимиз иқтисодий салоҳиятини бунданда юксалтирилади, давлатимизнинг дунёга танитиди ва халқимизнинг турмуш фаровонлиги изчил ортиб бораверади.

Шоира БОЗОРОВА,
"Тошкент ҳақиқати"
муҳбири.

КЎП ТАРМОҚЛИК – БУГУННИНГ ТАЛАБИ

Вилоят фермерлар кенгашининг навбатдаги йиғилишида туман кенгашлари раислари, тижорат банклари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

□ Фермерлар кенгаши йиғилиши

Асосий эътибор вилоят фермерлар кенгаши ва унинг қўйи тизимларида йилнинг ўтган тўққиз ойида амалга оширилган ишлар, 2016 йилда бажарилиши лозим бўлган вазифаларни ақунига етказиш, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг электрон қабулхонасига келган мурожаатларни кўриб чиқиш ва ҳал этишда туман фермерлар кенгашларининг масъулиятини ошириш, фермерларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш

ва ижро интизомини таъминлаш каби масалаларга қаратилди.

Ўзбекистон Республикасининг "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонуни ижросини таъминлаш, фермер ҳўжаликларида асосий кўрсаткичларига оид маълумотларни электрон базага киритиш ҳусусида сўз юритилди.

Таъкидланганидек, айни кунда вилоятимизда 16 минг

900 дан ортиқ фермер ҳўжалиги фаолият юритмоқда. Шундан 3434 таси пахта ва ғалла, беш мингдан ортиғи ғалла, сабзавотчилик ва полизчилик, етти мингдан кўпроғи боғдорчилик ва узумчилик, етти юзга яқини эса чорвачиликка иختисослашган. Қирқта фермер ҳўжалигида гўшт, сўт ва мева-сабзавотни қайта ишлаш йўлга қўйилди. Ўттиз икки ҳўжаликда музлаткич омборхоналари, 883 фермер ҳўжалигида сервис хизматини ривожлантириш лойиҳалари амалга оширилди. Фермерларнинг ўз ва тижорат банкларининг кредит маблағлари йўналтирилган ушбу лойиҳалар ижроси 8700 дан зиёд янги иш

ўрни очилишини таъминлади. Маълумотларга кўра, 2016 йилнинг ўтган даврида вилоят фермерлар кенгаши ва туман ҳўжаликлари томонидан кўп тармоқли фермер ҳўжаликлари ривожлантириш дастури асосида 2139 та (йиллик режага нисбатан 88 фоиз) кўп тармоқли фермер ҳўжаликлари ташкил этилди. Ўрта Чирчик, Оққўрғон, Бекобод, Пискент, Қибрай ва Янгийўл туманларида бу кўрсаткич 94-96 фоизга етди.

Кенгаш балиқчилик ва асаларичиликка иختисослашган ҳўжаликлари кўпайтиришга устувор вазифа сифатида қарамоқда. Бу йил 54 ҳўжаликда балиқчилик, 113 тасида асаларичилик ташкил этилди.

Ҳисобот даврида вилоятдаги 294 фермер ҳўжалигида қарийб 1639 гектар интенсив ва маҳаллий боғ, 215 ҳўжаликнинг 949 гектар майдонида янги тоқзорлар барпо этилди. Бу ишлар изчил давом этмоқда.

Йиғилишда қўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Мурод САЛИМОВ.



Мансур НАХАЛОВ олган сурат.

□ Агар огоҳ сен...

Сўнгги йилларда одам савдоси қурбонига айланаётганларни ҳимоя қилиш, фуқароларни бу иллат домига илинишдан сақлаш бўйича бутун дунёда бўлгани сингари юртимизда ҳам кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда.

□ Агар огоҳ сен...

Бу борада Ўзбекистон Республикасининг "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Қонуни ва шу масалага доир қонунности ҳужжатлари муҳим ўрин тутди. Жумладан, ваколатли идоралар томонидан қонун доирасида фуқароларимизнинг чет элга бориб ишлашлари учун қонуний қафолатлар таъминланмоқда. Бунинг натижасида ўларок, хорижий давлатларда малакасини ошириб, тажриба алмашиб қайтган юрдошларимиз мамлакатимиз тараққиёти йўлида ўз ҳиссаларини қўшишмоқда.

Одам савдосига қарши курашиш бўйича республика Идорапаро комиссиясининг "Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш борасида 2015-2016 йилларга мўлжалланган чора-

тадбирлар режаси" ижросини таъминлаш мақсадида "Аҳолининг, айниқса, ёшлар ва хотин-қизларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, одам савдосининг олдини олиш, унга қарши курашиш ва жиноят жабрдийдаларига қўмаклашиш" бўйича Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг ҳамкорликда амалга оширилаётган чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган. Шу режа асосида вилоят ҳўжаликларида хотин-қизлар қўмитаси томонидан худди шу йўналишда амалга оширилаётган ишлар самарасини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Комиссия томонидан хорижда ишлашнинг қонуний асослари ҳамда одам савдосига қарши курашишнинг мазмун-моҳиятини ёшларга тушултириш мақсадида "Одам савдоси – давр муаммоси" тарғибот лойиҳаси ишлаб чиқилган. Мазкур лойиҳа асосида вилоят хотин-қизлар қўмитаси бошланғич ташкилотлари тегишли ҳамкор ташкилотлар билан мунтазам тушултириш ва тарғибот ишларини олиб бормоқда.

Вилоятимизнинг барча шаҳар ва туманларида "Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини оширишда наднавалот нотижорат ташкилотларнинг ролини кучайтириш", "Одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича республика реабилитация марказлари фаолияти", "Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини янада оширишда хотин-қизлар қўмиталарининг ўрни" мавзуларида семинарлар ташкил этилди.

Доимий яшаш манзилларидан узоқ муддатга чет давлатга чиқиб кетган аёллар-

нинг оилалари, хусусан, хорижда бўлиб қайтган аёллар билан суҳбатлар ўтказилиб, тушунтириш ишлари олиб боришмоқда.

Шунингдек, вилоят хотин-қизлар қўмитаси, ички ишлар, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ҳамда соғлиқни сақлаш бошқармалари, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди вилоят бошқаруви, "Қамолот" ЁИХ вилоят кенгаши ва уларнинг ҳудудий бўлимлари ҳамкорлигида одам савдоси жиноятининг олдини олиш, унга қарши курашиш, чет давлатларда жабрланган ҳамда депортация қилинган фуқароларга ёрдам бериш бўйича тизимли ишлар, тушунтириш-тарғибот тадбирлари кучайтирилди. Бу ишлар самарадорлигини ошириш, қўзланган натижага эришиш учун бошқармалар ўртасида тезкор ахборот алмашинуви йўлга қўйилди. Вилоятимиз-

TRANSPORT
ХИЗМАТИ СИФАТИ
ЯНАДА ОШИРИЛАДИ

Шунингдек, вилоят ички ишлар бошқармаси йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси, вилоят ҳўкимлигининг йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти, "Тошвильтранстерминал" уюшмаси, вилоят бошбекатлари ва йўловчи шўҳбекатлари ишлаб чиқариш давлат унитар корхонаси ҳамда вилоятда йўловчи ташиш билан шуғулланаётган 160 дан зиёд корхоналар вакиллари биргаликда ушбу ойланик ҳар томонлама сифатли ва намунали ўтказиш юзасидан кенгайтирилган йиғилиш ўтказиб, амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар ва ҳаракат режалари ишлаб чиқилди.

Бундан ташқари, ойлдан қўзланган мақсадни кенг қўламли тарғиб ва ташвиқот қилиш мақсадида вилоятдаги йўловчи ташиш корхоналарига уч минг донага яқин "Ҳайдовчиға эслатма" буклетлари, 350 та "Ҳўрматли ҳайдовчи!" эслатмаси, мингдан зиёд йўловчи ташиш автобуслари ва микроавтобусларга 1400 та "Ташвиқот лавҳаси" тарқатилди. Шунингдек, "Тасвирий ойна" ижодий уюшмаси бўлиналари ёрдамида шаҳар ва туманлардаги жамоат транспорт ва йўловчилар кўп қатнайдиган жойларга, бошбекат ва йўловчи шўҳбекатларда ойланикнинг 39 та тарғибот паннолари ўрнатилди.

Ойлик давомидида жойларда транспорт хизмати қандай ташкил этилганини ўрганиш юзасидан 130 га яқин махсус назорат тадбирлари ўтказилиб, аниқланган камчиликлар ҳусусида 36 та корхона раҳбариятига "огоҳлантириш хатлари" чиқарилди. Ўрганишлар давомида тақроран камчиликка йўл қўйган 6 та корхона раҳбарига тегишли чора қўриш учун республика Агентлиги "билдирги" киритилди.

Хулоса қилиб айтганда, ойлик доирасида ўтказилаётган бундай қўламли чора-тадбирлар, шунингдек, транспорт воситаларининг салоҳида санитария-гигиена қоидаларига риоя этиш, йўловчилар шўҳбекатларида озодаликни таъминлаш, ҳайдовчи ва чиптачиларнинг қийиниш, муомала, нутқ маданиятини юксалтириш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, семинар ва махсус курслар орқали ходимларнинг малакасини мутасил ошириб боришга қаратилган тизимли ишлар нафақат хизмат сифатини оширишга, балки йўловчиларнинг жамоат транспортдан фойдаланиш маданиятини юксалтиришга ҳам катта ҳисса қўшиши шубҳасиз.

"Тошкент ҳақиқати"
муҳбири Юлдузхон
МУХИДДИНОВА суҳбатлашди.

ШИРИН ВАЪДАЛАРНИНГ АЧЧИҚ АЗОБИ

савдоси – давр муаммоси" тарғибот лойиҳаси ишлаб чиқилган. Мазкур лойиҳа асосида вилоят хотин-қизлар қўмитаси бошланғич ташкилотлари тегишли ҳамкор ташкилотлар билан мунтазам тушултириш ва тарғибот ишларини олиб бормоқда.

Вилоятимизнинг барча шаҳар ва туманларида "Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини оширишда наднавалот нотижорат ташкилотларнинг ролини кучайтириш", "Одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича республика реабилитация марказлари фаолияти", "Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини янада оширишда хотин-қизлар қўмиталарининг ўрни" мавзуларида семинарлар ташкил этилди.

Доимий яшаш манзилларидан узоқ муддатга чет давлатга чиқиб кетган аёллар-

нинг оилалари, хусусан, хорижда бўлиб қайтган аёллар билан суҳбатлар ўтказилиб, тушунтириш ишлари олиб боришмоқда.

Шунингдек, вилоят хотин-қизлар қўмитаси, ички ишлар, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ҳамда соғлиқни сақлаш бошқармалари, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди вилоят бошқаруви, "Қамолот" ЁИХ вилоят кенгаши ва уларнинг ҳудудий бўлимлари ҳамкорлигида одам савдоси жиноятининг олдини олиш, унга қарши курашиш, чет давлатларда жабрланган ҳамда депортация қилинган фуқароларга ёрдам бериш бўйича тизимли ишлар, тушунтириш-тарғибот тадбирлари кучайтирилди. Бу ишлар самарадорлигини ошириш, қўзланган натижага эришиш учун бошқармалар ўртасида тезкор ахборот алмашинуви йўлга қўйилди. Вилоятимиз-

даги 122 та касб-ҳўнар коллежи ва 7 та академик лицей ўқувчилари ўртасида "Одам савдоси – давр муаммоси" тарғибот лойиҳаси асосида кенг тушунтириш ишлари олиб боришди.

Хулоса қилиб айтганда, дунёда авж олиб бораётган глобаллашув жараёнининг иллатлари: оммавий маданият, одам савдоси, гўёҳандлик, ёт фояларни ташувчи турли оқимлар ҳуружи ҳар биримизни ҳушёрликка, огоҳликка қорласи зарур. Айниқса, ёшлар ва хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий маданияти ва савиясини юксалтириш мақсадида йўналтирилган ҳар бир чора-тадбирлар самарадорлигини таъминлаш бош вазифаларимиздан бирига айланмоғи лозим.

Насиба ҚЎЛБЕКОВА,
вилоят ҳўкимлиги оила,
оила ва болаликни
муҳофаза қилиш
қотибати мудири.



Молия бозорининг фаол иштирокчиси

Бундай юқори ўсиш суръатларини Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки фаолиятида ҳам кузатиш мумкин.

Маълумки, Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Исрол Каримов томонидан банк олдига мамлакатимиз компанияларининг ташқи савдо операцияларига хизмат кўрсатадиган, экспорт салоҳияти орттиришга қўмлашадиган, Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий инвестициялар, илгор технологияларни жалб қиладиган жаҳон даражасидаги молия институти яратиш бўйича умуман янги ва масъулиятли вазифалар қўйилган эди. Натижада, банкда консерватив, вазмин сиёсатга таянган ҳолда мақбул бошқариш механизмлари, самарали ўсиш стратегияси ишлаб чиқилди.

Қолаверса, бугунги кунда мамлакатимизда демократик бозор ислохотлари ва иқтисодиётни эркинлаштиришни янада чуқурлаштириш мақсадида банкларга инвестиция жараёнларини, иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни фаол амалга ошириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, иқтисодий ночор корхоналар фаолиятини тиклаш учун аниқ дастур ва лойиҳалар асосида вазифалар белгиланган берилган.

Шу маънода, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки миллий иқтисодиётимизнинг институционал, таркибий, технологик ўзгаришлар ва мамлакатимизда бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш, молия бозори рақобатдошчилиги ва барқарорлигини мустаҳкамлашда муҳим роль ўйнайдиган молия муассасалари қаторига кириди. Бу эса унинг мавжуд ресурс ва имкониятларни тўлиқ сафарбар қилган ҳолда мамлакатимизнинг иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлаш ва юксалиш катализатори сифатида хизмат қилувчи, юқори иқтисодий-иқтисодий натижаларни таъминлайдиган соҳалар, тармоқ ва минтақаларни кредитлашга алоҳида эътибор қаратаётганидан далолат беради. Мамлакатимизда юқори технологиялар ва рақобатбардор маҳсулотлар ишлаб чиқариш фаол ўзлаштирилмоқда. Илгор ўзгаришлар нафақат ишлаб чиқариш тузилмаси, балки экспорт соҳасида ҳам юз бермоқда. Биринчи навбатда, жаҳон бозорига хом ашё эмас, балки тайёр маҳсулот етказиб бериш кўпаймоқда. Шу билан бирга, аҳоли бандлигини таъминлашдек муҳим масала ҳам ҳал этилмоқда.

Кредит — рағбатлантирувчи куч

Банкда хизмат кўрсатишнинг замонавий механизми амал қилаётгани, кредитлаш тизимида яратилган қўлайликлар, валюта ва нақд пул муомаласи тартибга солинган банкнинг капиталлашуви ошишига, миқдорларини ишончи тобора мустаҳкамлашига хизмат қилмоқда. Чунотки, жорий йилнинг тўққиз ойида 2016 йил учун банк ажратган кредитлар янги, замонавий ишлаб чиқариш корхоналарини қуриш, борларини модернизация қилиш, техник ва технологик янгиллаш, замонавий транспорт, муҳандислик-коммуникация ҳамда ижтимоий инфратузилма тармоқларини жадал ривожлантириш ва шу орқали янги иш ўринларини ташкил этиш, иқтисодиётнинг барқарор ва изчил ривожланиши, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ёшларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш учун қўлай шарт-шароитлар яратиш, уй-жой, шу жумладан, қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосидаги қурилиш кредитлаш кўпайини кенгайтириш, ёш оилаларнинг моддий-маиший шароитларини яхшилаш мақсадида истеъмол кредитлари аж-

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда узоқни кўзлаб олиб борилаётган оқилона сиёсат замирида, энг аввало, халқимиз фаровонлигини ошириш, буюк келажакни бунёд этиш, Ўзбекистонимизнинг ривожланган, пешқадам демократик мамлакатлар сафида бўлишини таъминлаш каби устувор мақсадлар мужассам. Юртимизда барпо этилаётган замонавий корхоналар, муҳташам иморатлар, равои йўлу кўприклар, обод хиббон ва гузарлар, намунавий тураржойлар — буларнинг барча-барчаси кўзланган ана шу юксак марраларимизга эришиш йўлидаги сазой-ҳаракатлар натижасидир.

Эътиборлиси, мазкур жараёнда мамлакатимиздаги молия-банк муассасалари ҳам ўз сармоя ҳамда хизматлари билан фаол қатнашмоқда. Албатта, Ўзбекистон молия-банк тизимининг изчил ислоҳ этилиб, босқичма-босқич такомиллаштириб борилаётгани бу борада янги ташаббуслар, истиқболли лойиҳалар рўйиба кенг йўл очмоқда. Шу маънода ўтган йил банк тизимини янада мустаҳкамлаш, банкларнинг капиталлашув даражасини ошириш ҳамда инвестициявий фаолигини кенгайтириш таъминланган қувонарлидир.

ратишни кўпайтиришга йўналтирилган.

Хусусан, шу йилнинг 9 ойи якунларига кўра, банкнинг кредит портфели 11 трлн. 738,3 млрд. сўмдан иборатлиги тасдиқланди (3,9 млрд. АҚШ дол-

ва технологик қайта жиҳозлаш дастурлари ва бошқаларни амалга оширишда фаол қатнашмоқда. Ушбу лойиҳаларнинг асосий қисми ёқилғи-энергетика ва агросаноат мажмуалари, тўқимачилик, транспорт, алоқа

лашади. Банк кичик бизнесни ривожлантириш дастури доирасида хорижий банклар ва молия муассасаларининг, республика бюджетдан ташқари жамғармаларнинг кредит йўналишлари ва банкнинг ўз маблағла-

даланган ҳолда шаҳар ва қишлоқларимизнинг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини янада ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш, транспорт, бозор, молиявий, маиший ва



млрд. сўмни ва хорижий валютадаги депозитлар бўйича 401 млрд. сўм ёки 133,2 млн. АҚШ долларини ташкил этди.

2016 йил 1 октябр ҳолатига миллий ва хорижий валюталардаги ўз ҳисобварақларига эга

Савдо ва хизмат кўрсатиш объектларида банк 22,2 мингдан ортиқ тўлов терминалларини ўрнатган бўлиб, улар орқали 2016 йилнинг 9 ойида умумий қиймати 3,8 триллион сўмдан ортиқ транзакцияларни амалга оширди, шу даврда пластик карточкаларга 6,3 триллион сўмга яқин маблағ ўтказилди. Сўм пластик карточка ҳисобварақларида қолдиқлар 2016 йил 1 октябр ҳолатига 346 млрд. сўмга, шунингдек, халқаро карталар бўйича қарийб 25,7 млн. АҚШ долларига тенг бўлди.

Банк миқозлар учун пластик карточкаларни нафақат ҳисоб-китоб қилишнинг қўлай воситаси, балки уни қўшимча хизмат ва сервислардан фойдаланиш имконини берувчи воситага айлантиришга интиломоқда ва бунинг учун миқозлар ҳамма жойда ҳисобварақлари, шу жумладан, пластик карточка ҳисобварақлари бўйича операциялар тўғрисидаги ахбороти мобил телефонларига SMS-хабарлар, электрон почтага e-mail хабарлар кўринишида ҳамда шахсий WEB- ва IVR-кабинетлар орқали олиш имкониятини бермоқда. Ушбу хизмат турларини кафолатловчи ишончли ва барқарор молия институти сифатида эътироф этилаётганидан далолат беради.

Миқозларга таклиф қилинаётган маҳсулотларнинг рақобатбардорлигини сақлаб туриш, депозит ҳисобварақларига аҳоли маблағларини жалб этиш самарадорлигини таъминлаш ҳамда жалб этилган маблағларни кўпайтириш мақсадида 2016 йилда сақлаш муддати 2 ойдан 1 йилгача бўлган миллий ва

лўтада 6 та янги муддатли омонатлар жорий этилди. Жумладан, "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури ижросига ҳисса қўиш мақсадида "Соғлом авлод" ва "Меҳрибон она" муддатли омонати, Хотира ва қадрлаш кўнига бағишланган "Ветеран" муддатли депозити, "Ёзги", Мустақилликнинг 25 йиллигига "Обод юрт", банк ташкил этилганига 25 йил тўлиш муносабати билан "NBU-25" муддатли депозитлари миқозларга тақдим этилди.

Чакана хизматларга аҳолидан коммунал хизмат ва бошқа тўловларни мини-банк ҳамда махсус кассалар тармоғи орқали қабул қилиш ҳам кириди. 2016 йил 1 октябр ҳолатига уларнинг умумий сони 112 тага етиб, коммунал ва бошқа хизматлар учун 138,1 млрд. сўм, шу жумладан "МУНИС" тўлов тизими орқали қарийб 30 млрд. сўм миқдоридида тўлов қабул қилинди.

2002 йилдан буён банк жисмоний шахсларга халқаро тизимлар орқали амалга ошириладиган нафақат банкларора, балки тезкор пул ўтказмалари хизматини ҳам таклиф қилмоқда. Ҳозирги вақтда банк жисмоний шахсларнинг савдо-сотиққа алоқадор бўлмаган жўнатмаларини "Western Union", "MoneyGram", "Золотая корона" ва "Азия Экспресс" тизимлари орқали қабул қилиб, жўнатмоқда.

Лойиҳа бошидан миқозларга хизмат кўрсатиш пунктлари томонидан ўрумиш қиймати 1,2 млрд. АҚШ долларини ташкил этувчи қарийб 1,8 миллионга операция бажарилди. Жумладан, 2016 йилнинг 9 ойида 50,4 млн. АҚШ долларлик 101 дан ортиқ операция амалга оширилди.

Банк 20 йилдан ортиқ вақт давомида пластик карточкаларни муомалага чиқариш ва уларга хизмат кўрсатиш масалаларида етакчилик мақоини сақлаб турибди. 2016 йил 1 октябр ҳолатига банк муомалага чиқарган пластик карточкалар 2,8 млн. донага етди. Жумладан, "Он-лайн" пластик карточкалари 1,3 миллиондан ортиқ, халқаро Visa карталари 132 мингта ва "иш ҳақи лойиҳалари" жорий этилган корхона ва ташкилотлар 14,1 мингдан зиёддир.

Миллий банк матбуот хизмати.

МОЛИЯ-БАНК ТИЗИМИ: МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЁТИНИНГ ҚОН ТОМИРИ

лари эквивалентиди). Бу йил бошига нисбатан 17,7 фоизга ўсганлигини кўрсатади. Банк кредит портфелининг асосий қисми узоқ муддатли кредитлар бўлиб, 98,7 фоизни ташкил этди.

Хорижий валютада кредитлаш манбаининг 53,8 фоизини хорижий банкларнинг қайта молиялашган маблағлари, 43,8 фоизини Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари ва 2,4 фоизини банкнинг ўз маблағлари ҳамда миллий валютада 72,2 фоизини банкнинг ўз маблағлари ва 27,8 фоизини Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва бюджетдан ташқари жамғармаларнинг жалб қилинган ресурслари ташкил этди. Банк кредит портфелининг 58,3 фоизини Ўзбекистон Республикаси Хукумати кафолати билан таъминланган кредитлардир.

Мамлакатимиз молия-банк тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва барқарорлаштириш, банклар ва бутун молия-банк тизими фаолиятига ёндашувларини ҳамда баҳолаш тизимини тубдан ўзгартариш, умумқабул қилинган халқаро норма, стандарт ва баҳолаш кўрсаткичларига мувофиқ банк фаолиятини ташкил этишнинг янада юқори даражасига чиқишни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И. Каримовнинг 2015 йил май ойидаги "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида банк томонидан жорий йилнинг 1 октябр ҳолатига 1 трлн. 734,5 млрд. сўмлик инвестицион кредитлар ажратилиши режалаштирилган бўлса, амалда 1 трлн. 742,8 млрд. сўм миқдоридида ажратилди.

Шу билан бирга, банкнинг жойлардаги бўлимлари ёш оилаларнинг моддий-маиший шароитларини яхшилаш мақсадида йил бошидан 22 млрд. 753 млн. сўм ипотека ва 4 млрд. 472 млн. сўм истеъмол кредитлари ажратди.

Лойиҳаларни молиялаштириш — стратегик омил

Банк мамлакат иқтисодиёти талабларига тўра ёндашган ҳолда халқаро иқтисодий муносабатлар соҳасидаги мустақил сиёсатни шакллантириш ва амалга ошириш жараёнлари бошида турди, самарали ташқи иқтисодий фаолиятни таъминлаш, давлатимизнинг валюта ресурсларидан аниқ мақсадларда фойдаланиш. Бугунги кунда мамлакатимиздаги энг катта инновация банки ҳисобланади ва фаолияти даврида қўллаб қўмулган ва минтақавий дастурларни, хусусан, ҳар йили инвестиция дастурлари, иқтисодиёт соҳаларини маҳаллийлаштириш ва модернизация қилиш, техник

ва тоғ-кон саноатлари соҳаларига дахлдордир.

Корхона ва ташкилотларга янги объектлар қуриш, замонавий технологияларни жорий этиш ва рақобатбардор маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун банк узоқ муддатли кредитлар беришга доир барча имкониятларни яратишга интиломоқда. Яъни, банк тақдим этган кредитлар иқтисодиётнинг устувор соҳаларини ривожлантириш, амалдаги ишлаб чиқаришларни модернизация қилиш ва янги, юқори самарали ишлаб чиқаришларни жорий этиш, кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш, маҳаллий хом ашёни қайта ишлаш асосида импорт ўрнини босадиган истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва ривожлантиришга йўналтирилди.

Республиканинг Биринчи Президенти И. Каримовнинг 2015 йил 25 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2016 йилга мўлжалланган инвестиция дастури тўғрисида"ги Қарори ижроси доирасида, банк инвестиция лойиҳаларини ўз вақтида амалга оширишга доир мақсадли ишларни бажарди. Жумладан, йилнинг ўтган тўққиз ойида давлат кафолати остида жалб қилинган чет эл кредит маблағларини қайта молиялаш ҳисобидан 4 та инвестицион лойиҳа бўйича 111,91 млн. АҚШ долларлик кредит шартномалари тузилди, 88,74 млн. АҚШ доллар миқдоридида кредитлар ажратилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси кредит маблағларини қайта молиялаш ҳисобидан битта инвестицион лойиҳа бўйича 126,3 млн. АҚШ доллар миқдоридида кредит шартномаси тузилди, 79,9 млн. АҚШ доллар миқдоридида кредит ажратилди. Банк ўз маблағларини ҳисобидан битта инвестицион лойиҳа бўйича 15 млн. АҚШ доллар миқдоридида кредит шартномаси тузди, 15 млн. АҚШ доллар миқдоридида кредит ажратди. Шунингдек, йирик инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида 2 млрд. 247 млн. АҚШ доллар миқдоридида кредит ажратилди бўйича тузилган шартномалар доирасида молиялаштириш ишлари давом эттирилди.

Кичик бизнес — жадал тараққиёт йўли

Маълумки, кичик бизнесни ривожлантириш мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг устувор йўналишларидан биридир. Мазкур ислохотлар соғлом рақобатни ривожлантиришга, истеъмол бозорини товар ва хизматлар билан тўлдирishга, янги иш жойларини ташкил этишга, мулкдор ва тадбиркорлар сафини янада кенгайтиришга қўмак-



рини ўзлаштириш ҳисобида лойиҳаларни қўриб чиқиш, уларни молиялаштириш.

Хусусан, Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида технологик ускуна ва тегишли хизматларни етказиб бериш учун банк билан Корея экспорт ва импорт банки, Хитой давлат тараққиёт банки, Германиянинг АГ Коммерцбанкни ўртасида имзоланган қарз битимлари юзасидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик лойиҳаларини молиялаштириш давом эттирилмоқда.

2016 йил 29 июнда банк Халқаро тикланиш ва тараққиёт банкнинг мева-сабзавотчилик секторини ривожлантириш лойиҳаси доирасида 50 млн. АҚШ доллар миқдоридида маблағ жалб этиш бўйича қилинган имзолади. Шунингдек, кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш учун миллий валютада 2016 йил 1 октябр ҳолатига жами 1 трлн. 955,8 млрд. сўм (101 фоиз) миқдоридида кредит ажратилди. Натижада, 8837 та янги иш ўринлари яратиш имконини туғилди. Ушбу маблағлар орқали чорвачилик ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи замонавий мини-технологияларни харид қилиш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини, шу жумладан, туризмни ҳамда шахсий томоғра ва деҳқон хўжаликларида чорвачиликни ривожлантириш, деҳқон ва фермер хўжаликлари, тадбиркор аёллар, оилавий тадбиркорлар молиялаштирилди. Шу даврда банк бўлим ва филиаллари томонидан кичик бизнес субъектларига 297 млрд. сўм миқдоридида микрокредитлар ажратилди. Касб-хуна қоллежлари битирувчиларининг бизнес лойиҳаларини молиялаштиришга йил бошидан ажратилган кредитлар 47,9 млрд. сўмни ташкил этиб, 1716 коллеж битирувчиларини иш билан таъминлашга замин яратилди.

Шаҳар ва қишлоқларнинг ижтимоий-иқтисодий салоҳияти ошишига қўмаклашмоқда

Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки молиялаштириётган лойиҳалар мамлакатимиз ҳудудларини комплекс ривожлантириш, мавжуд ресурс ва имкониятлардан самарали фой-

савдо хизматларининг янги, замонавий турлари ва шакллари жорий қилиш ҳамда ривожлантириш орқали халқ турмуш даражасини яхшилашга қаратилган билан аҳамиятлидир. Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлаган меъёрий ҳужжатларнинг ижросини таъминлаш бўйича ҳудудларни 2013-2016 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари асосида 2016 йилнинг дастлабки 9 ойида банк миқозларнинг 1931 та лойиҳаларини ишга тушириш учун умумий қиймати 677,5 млрд. сўм, шундан 184,3 млрд. сўм кредит ажратилиши ва шунинг ҳисобида 14 696 та янги иш ўринлари ташкил этилиши белгиланган.

Мақсуд дастурлар ижросини тўлиқ таъминлаш мақсадида 2016 йил бошидан умумий қиймати 729,2 млрд. сўм, шундан кредит суммаси 171,7 млрд. сўмга тенг бўлган 2149 та лойиҳани амалга ошириш ҳисобида 16 427 та янги иш ўринлари ташкил этилди.

Чакана банк хизматлари — аҳоли ишончининг гарови

Миллий банк мамлакатимизнинг молиявий хизматлар бозорига чакана банк бизнесини ривожлантириш бўйича етакчи ўринлардан бирини эгаллаб келмоқда. Тақдим этилаётган хизмат турларининг қўллиги, уларнинг ҳар бирига яқка тартибдаги муносабат ва энг муҳими, мамлакатимиз етакчи банкнинг ишончли етакчи барқарорлиги миқозларни ўзига жалб қилмоқда. Банк аҳолининг ижтимоий тоифаларини ҳисобга олган ҳолда, турли депозитлар тақдим этмоқда, тезкор пул ўтказмалари, сўмда ҳамда халқаро пластик карточкалари бўйича хизматлар кўрсатмоқда.

Жисмоний шахсларга тақдим этилаётган хизматлар рўйхатида, шах-шубҳасиз, депозит операциялари биринчи ўринда туради. Аҳоли қўлидаги бўш пул маблағларини уларнинг қўлидаги депозитларига жалб қилиш 2016 йилнинг тўққиз ойида 143,6 млрд. сўм ёки 14 фоиз кўпайиб, 1 октябр ҳолатига жисмоний шахсларнинг депозит ҳисобварақларидаги маблағлар қолдиғи 1174,9 млрд. сўмни, шу жумладан, миллий валютадаги депозитлар бўйича 773,9

ҚАРС ИККИ ҚЎЛДАН

Яқинда "Тошкент ҳақиқати" газетасида чоп этилган, "Келиннинг отаси "тилла балиқ" эмас-ку..." мақоласини ўқир эканмиз, ҳақиқатан ҳам ҳаётга ёнгил-елпи қарайдиган ёшлар, ҳою-ҳавас кетидан қуваётган айрим ота-оналарнинг хатти-ҳаракатлари диллимизни ғашлади.

Акс-садо

Тўғри, вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Файзиева таъкидлаганидек, вилоятимизда ажримлар ўтган йилдагига нисбатан 76 тага камайибди. Бу маънавий-маърифий ишлар изчил олиб борилаётганининг самараси, албатта. Лекин, меҳр-оқибатли, мулоҳазали қайнона-қайнота, ота-оналар, одоб-ахлоқи, ҳаёли, оқила келинлар, диёнатли, масъулиятли кўёвлар кўпроқ бўлса-ку, ажримлар ҳақида ташвишланмасак бўларди. Аммо, "беш қўл баробар эмас" – бу дунёни ҳар ким ўз қаричи билан ўлчайди. Гап ўша ўлчовда...

Бизнинг Зангиота тумани, Чоштепа қишлоғидаги "Иқбол" маҳалласида 3000 аҳоли яшайди. Хар бирининг ўзинга яраша орзу-хаваси бор, албатта! Лекин улар ҳаёт мезони, ўлчовини тўғри олса керакки, бу йил бирорта оилада ажрим бўлиб қолди. Сабаби, деярли 90 фоизи ибратли хонадон ҳисобланади. 15 та кўчабоши – қай-

вони онахонлар иштирокда ҳар қандай муаммо ҳал этилади. Улар турли маънавий-маърифий тадбирларда, "Ибратли хонадон", "Ибратли келин", "Доно қайнона" каби танловларда фаол қатнашишди. Шундай бўлсада, гуруҳ орасидаги курмакдек, кўнгилни беҳузур қиладиган ҳолатлар ҳам учраб туради. Қўпинча, ажримларга қайноналар сабабчи деймиз. Бу гапда жон бор. Келинни хизматкор деб ўйлайдиган қайноналар йўқ эмас. Лекин, мақолада таъкидланганидек, телефон сабабли ажрашишга бораётган оилалар ҳам учрайпти. Қолаверса, келишмовчиликларнинг бош сабаби – таъмагирлик, қудалар ўртасидаги "бор товоғим, кел товоғим"дан чиқаёт-

ган можаролардир. Ортиқча дабдаба, исрофгарчиликнинг охири яхшилик билан тугамайди. Бизнинг маҳалламизда "келинсалом", "чарлар" деган расм-русмлар қисқартирилган. Қисқаси, ажримларга, энг аввало, катталар сабабчи бўлаётганини инкор этиб бўлмайди. Чунки, ёшларимизнинг хатти-ҳаракати, юриш-туриши улар оиласидаги муҳитнинг инъикосидир. Демак, бу борада энг аввал, оилалардаги соғлом муҳитни мустаҳкамлаш, ота-оналар, қайнона-қайноталар масъулияти, керак бўлса, жавобгарлигини қучайтириш керак.

Ҳадиса НУРМАТОВА,
"Иқбол" маҳалла фуқаролар йиғини бошлангич хотин-қизлар қўмитаси раиси.

Олов – тилсиз ёв

Жойларда арзимаган эътиборсизлик туфайли ҳамон ёнгинлар чиқмоқда. Шу йилнинг 11 ойи давомида вилоятда 1476 та ёнгин юз берди. Шундан 838 таси фуқаролар тураржойларида содир бўлди. Оқибатда 16 фуқаро ҳалок бўлди, 55 фуқаро турли даражада тан жароҳати олди, 4 миллиард 694 миллион 797 минг сўмдан ортиқ моддий зарар кўрилди.

ЛОҚАЙДЛИКДАН ФОЖИАГА БИР ҚАДАМ

Тезкор таҳлиллар ёнгинларнинг 188 таси печ ва газ қурилмалари, 286 таси электр мосламалари носоғлиги ёки улардан фойдаланиш қоидаларининг бузилиши, 694 таси оловдан эҳтиётсизлик билан фойдаланиш, 185 таси болаларнинг олов ўйнаши ҳамда 123 таси бошқа сабаблар оқибатида содир бўлганини кўрсатмоқда.

Хусусан, 5 ноябрь кунини Зангиота тумани, Ҳасанбой қишлоғида яшовчи фуқаро М. Авазованинг уйидаги ёнгинга электр иситиш ускунаси назоратсиз қолдирилгани сабаб бўлди. Ёнг ёмони, ёнгин 2 та кўшни хонадонга ўтиши натижасида бу уйларнинг ҳам томи, шифти ва жихозлари ёниб, эгалари

катта мулкий зарар кўришди. 21 ноябрь кунини Бўқа тумани "Кийикчи" маҳалласида яшовчи Т. Бобоевнинг хонадонидан юз берган ёнгинга эса уй эгаларининг иситиш печларини ишла-тишдаги эҳтиётсизлиги сабаб бўлгани аниқланди. Барча юртдошларимизга киш мавсумида ёнгин хавфсизлиги қоидаларига қатъий риоя қилишлари зарурлигини яна бир бор эслатмоқчимиз. Шунда давлат ва шахсий мулкларни ҳамда уй-жойларини ёнгиндан асраган, энг муҳими, ўз хавфсизликларини таъминлаган бўладилар.

Мирзохид ЁДГОРОВ,
вилоят ИИБ ЁХБ катта муҳандиси.

ЭКСПОЗИЦИЯДА – ЎТМИШ ВА БУГУН

Ўзбекистон Бадий академиясининг Марказий кўргазмалар залида Ўзбекистон санъат усталарининг академиянинг Бадий кўргазмалар Дирекцияси тўплами ва шахсий коллекцияларда сақланаётган асарларидан ташкил топган ретроспектив кўргазмаси ташкил этилди.

Кўргазма

XX асрнинг 40-йилларидан бошлаб то 2000 йилларгача бўлган даврни ўз ичига олган "Бизнинг мерос" туркумидаги ушбу экспозициядан Ўзбекистоннинг рангтасвир, ҳайкалтарошлик усталари, графиклар, театр ва кино рассомларининг асарлари ўрин олган. Улар орасида кекса авлод вакиллари, 1960-70-йилларнинг та-



никли рассомлари, шунингдек, яқиндагина орамиздан кетган, ҳар бири ўз услубига эга бўлган ижодкорларнинг асарлари ҳам бор.

Турли миллат вакилларининг ижод намуналаридан тарихимиз, миллий маданиятимиз ва турмуш тарзининг айрим қирралари, умуминсоний ва миллий қадриятлар, давр руҳи акс этган. Экспозициядаги "Хумсон", "Ангрен ГРЭСи", "Бекободнинг пўлат эритувчилари", "Чирчик", "Тошкент атрофида", "Чирчик соҳиллари кўриниши" каби асарларда Тошкент вилоятининг қатор ҳудудлари тасвирланган.

Марҳум санъат усталарининг ушбу кўргазмадан жой олган ижодий ютуқлари рассомларнинг ҳозирги авлоди ҳамда санъат ихлосмандларига тарихий жараёнлар билан танишиш, айрим асарлари ҳозирги давр санъати билан солиштириш имконини беради.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ.

Спорт

ЭНГ КЎП СОВРИН ВИЛОЯТИМИЗ ЖАМОАСИДА

Бекобод шаҳрида бокс бўйича катталар ўртасида Ўзбекистон чемпионати бўлиб ўтди. Ушбу мусобақада қўллаб қарм қўлқоп усталари беллашдилар.

Қизгин ва мurosасиз курашларга бой бўлган турнирда умумжамоа ҳисобида 3 та олтин ва 4 та бронза медалини қўлга киритган вилоятимиз спортчилари биринчи ўринни эгаллади. Андижон вилояти боксчилари 2 та олтин, 3 та кумуш ва 1 та бронза медал билан иккинчи ўринни банд этган бўлса, Тошкент шаҳри

жамоаси 2 та олтин, 1 та бронза медал билан учинчи ўринга қўлиб топилди. Вилоят шарафини ҳимоя қилган спортчилардан олтин медалларни 64 килограмм вазнда Элнур Абураимов, 81 килограмм вазн тоифасида Зухриддин Махамов ва 91 килограмм вазнда Бобурбек Йўлдошев келтирган бўлса, 60 кило-

грамм вазнда Сардор Музаффаров, 64 килограмм вазнда Алиёр Норалиев, 69 килограмм вазнда Анвар Туробов ҳамда 91 килограмм вазн тоифасида Сардорбек Бегалиев ҳам бронза медал билан шохсупанинг учинчи поғонасидан жой олди. Мазкур турнир келгусида ўтказиладиган қўллаб қарм мусобақалар олдидан ўзига хос тайёргарлик босқичи вазифасини ҳам ўтади.

Қозғистоннинг Чимкент шаҳрида турон яккакураши бўйича 15-18 ёшли спортчилар ўртасида Осиё кубogi бахслари бўлиб ўтди. Унда вакилларимиз, Қозғистон, Туркменистон, Қирғизистон ва Тожикистон давлатлари спортчилари билан беллашдилар.

БИЗНИКИЛАР БИРИНЧИ

Мусобақада ҳамюртларимиз 42 спортчидан иборат 4 та жамоа бўлиб иштирок этдилар. Терма жамоа таркибидаги вилоятимиз вакиллари 7 та олтин медални қўлга киритиб, Осиё чемпиони бўлди. Бундан ташқари, 4 та кумуш ҳамда 2 та бронза медал ҳам айнан вилоятимиз спортчилари ҳисобига қўшилди.

– Турон яккакураши ҳозирда энг оммалашаётган

миллий спорт турларидан бирига айланди, – дейди вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси бош мутахассиси Ақром Шерданов. – Вилоятдаги қўллаб қармоқчиларимиз терма жамоага жалб қилинаётгани барчамизнинг қувонтири.

Достон Давлатов, Олимбек Бекмухаммедов, Алибек Қобилов, Фазлиддин Жабборов, Иззатилла

Жўрабоев, Искандар Курбонов ва Исрол Исмоилов сингари спортчиларимиз муҳлису мутахассислар эътирофига сазовор бўлди. Умумжамоа ҳисобида 1-ўринни қўлга киритган спортчиларимиз 2017 йили Россияда бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатида ҳам муносиб иштирок этишларига шубҳа йўқ.

Абдулазиз МУСАЕВ.

Реклама ва эълонлар

2017 йил 4 январь кунини соат 12.00 да бошлангич баҳоси ошиб бориши тартибиди ўтказиладиган "Очиқ аукцион" савдосига қўйиладиган автотранспорт воситалари тақдоран қўйилмоқда: 1. Ангрен шаҳар СИБ томонидан хатланган: 1.1. Ангрен шаҳри, 29-сонли автобуса майдонида сақланаётган: ЖИБ Тошкент-вилояти, Ангрен шаҳар судининг 21.02.2013 йилдаги 1101-187/2016-сонли ижро варақасига асосан, бошлангич баҳоси - 1 811 576 сўм 59 тийин бўлган, 1989 йилда и/ч., д/р. 10G19-66, "УАЗ-3151201" р-ли ав-на; ЖИБ Охангарон тумани судининг 15.04.2011 йилдаги 247-сонли ижро варақасига асосан, бошлангич баҳоси - 19 977 111 сўм бўлган, 1989 йилда и/ч., д/р. 11L4120, "КамАЗ" р-ли юк ав-наси ҳамда бошлангич баҳоси - 18 300 107 сўм 10 тийин бўлган, 1982 йилда и/ч., д/р. 10T843BA, "КамАЗ" р-ли юк ав-наси; 05.10.2012 йилдаги 7559/12-сонли ижро ҳужжатида асосан, бошлангич баҳоси - 907 262 сўм 13 тийин бўлган, 1980 йилда и/ч., д/р. 10T297CA, "BAZ-21011" р-ли ав-на; 1.2. Ангрен шаҳар ИИБ ЎХБ жарама майдончасида сақланаётган: 17.05.2016 йилдаги 5108/16-сонли ижро ҳужжатида асосан, бошлангич баҳоси - 34 979 336 сўм 87 тийин бўлган, 2009 йилда и/ч., д/р. 10K148GA, "Нексия" р-ли ав-на; 17.05.2016 йилдаги 5106/16-сонли ижро ҳужжатида асосан, бошлангич баҳоси - 30 863 936 сўм 87 тийин бўлган, 2007 йилда и/ч., д/р. 10H638LA, "Нексия" р-ли ав-на; 17.05.2016 йилдаги 5107/16-сонли ижро ҳужжатида асосан, бошлангич баҳоси - 4 943 216 сўм 23 тийин бўлган, 1981 йилда и/ч., д/р. 10A576EA, BAZ-21011" р-ли ав-на; 08.04.2016 йилдаги 3214/16-сонли ижро ҳужжатида асосан, бошлангич баҳоси - 4 827 605 сўм 20 тийин бўлган, 1988 йилда и/ч., д/р. 10N423AA, "ГБ-СПГ-BAZ-21063" р-ли ав-на; 15.10.2012 йилдаги 6184/12-сонли ижро ҳужжатида асосан, бошлангич баҳоси - 709 320 сўм 77 тийин бўлган, 1985 йилда и/ч., д/р. T8305, "УАЗ-469 Б" р-ли ав-на; 2. Чирчик шаҳар СИБ томонидан хатланган, Чирчик шаҳар ИИБ жарама майдончасида сақланаётган: 2.1. ЖИБ Паркент тумани судининг 07.08.2014 йилдаги 14442-сонли ижро ҳужжа-

"AUTO TRADE COOPERATION" МЧЖнинг АУКЦИОН САВДОЛАРИГА МАРҲАМАТИ

тига асосан, бошлангич баҳоси - 1 908 344 сўм бўлган, 1972 йилда и/ч., д/р. 01S938KA, BAZ-2102 р-ли ав-на; ЖИБ Паркент тумани судининг 20.10.2014 йилдаги 14443-сонли ижро ҳужжатида асосан, бошлангич баҳоси - 2 629 083 сўм бўлган, 1996 йилда и/ч., д/р. 10M064BA, GAZ-31029 р-ли ав-на; ЖИБ Паркент тумани судининг 20.10.2014 йилдаги 14445-сонли ижро ҳужжатида асосан, бошлангич баҳоси - 9 575 990 сўм бўлган, 1995 йилда и/ч., д/р. 10N470AA, "Форд-транзит" р-ли ав-на; ЖИБ Паркент тумани судининг 20.10.2014 йилдаги 14446-сонли ижро ҳужжатида асосан, бошлангич баҳоси - 3 694 976 сўм бўлган, 1994 йилда и/ч., д/р. 10T344AA, "Доган" р-ли ав-на; ЖИБ Паркент тумани судининг 11.11.2014 йилдаги 15713-сонли ижро ҳужжатида асосан, бошлангич баҳоси - 2 853 123 сўм бўлган, 1982 йилда и/ч., д/р. 10T293EA, BAZ-2105 р-ли ав-на; ЖИБ Олмалик шаҳар судининг 02.09.2014 йилдаги 11226-сонли ижро ҳужжатида асосан, бошлангич баҳоси - 625 911 сўм бўлган, 1971 йилда и/ч., д/р. 10E529KA, BAZ-2101 р-ли ав-на; ЖИБ Тошкент вилояти судининг 09.03.2015 йилдаги 2-23/863-сонли ижро варақасига асосан, бошлангич баҳоси - 4 361 688 сўм бўлган, 1990 йилда и/ч., д/р. 10H815JA, "GAZ-2410" р-ли ав-на ҳамда бошлангич баҳоси - 4 351 741 сўм бўлган, 1990 йилда и/ч., д/р. 10F979JA, "ГБ-СПГ-GAZ-2410" р-ли ав-на; ЖИБ Яккасарой тумани судининг 10.10.2014 йилдаги 1-478/10-сонли ижро варақасига асосан, бошлангич баҳоси - 5 864 142 сўм бўлган, 1986 йилда и/ч., д/р. 10N091EA, "BAZ-2106" р-ли ав-на; ЖИБ Чирчик шаҳар судининг 08.10.2015 йилдаги 1-244/2015-сонли ижро варақасига асосан, бошлангич баҳоси - 15 046 034 сўм бўлган, 2008 йилда и/ч., д/р. 01C965TA, "BAZ-2107" р-ли ав-на; 3. Чиноз тумани СИБ томонидан хатланган: 3.1. Чиноз тумани ИИБ ЎХБ жарама майдончасида сақланаётган: ЖИБ Окўрғон тумани судининг 13.04.2015 йилдаги 1-113-сонли ижро варақасига асосан, 1989 йилда и/ч., д/р. 01A965JA, "BAZ-21093" р-ли ав-на, бошлангич баҳоси - 5 738 677 сўм; ЖИБ Чиноз тумани судининг 08.07.2015 йилдаги 134/15-сонли ижро варақасига асосан, 2005 йилда и/ч., д/р. 10N966AA, "BAZ-21070110-20" р-ли ав-на, бошлангич баҳоси - 7 875 956 сўм; ЖИБ Окўрғон тумани судининг 11.03.2015 йилдаги

1-87-сонли ижро варақасига асосан, 1982 йилда и/ч., д/р. 01N640AA, "GAZ-24" р-ли ав-на, бошлангич баҳоси - 1 331 843 сўм; 3.2. Тошкент вилояти Ўзбекистон судининг 18.02.2014 йилдаги 11-1334/15263-сонли ижро варақасига асосан, Чиноз тумани СИБ томонидан хатланган, Чиноз тумани, Янги-Чиноз қўрғони, Самарқанд қўчаси, 8-ўйда сақланаётган, 2001 йилда и/ч., д/р. 11A0277, "Мидибус 23,9" р-ли автобус, бошлангич баҳоси - 1 754 202 сўм; 2001 йилда и/ч., д/р. 11A0344, "Мидибус 23,9" р-ли автобус, бошлангич баҳоси - 2 666 387 сўм; 2001 йилда и/ч., д/р. 11A0180, "Мидибус 23,9" р-ли автобус, бошлангич баҳоси - 671 256 сўм; 2002 йилда и/ч., д/р. 10273AAA, "Мидибус 24,9" р-ли автобус, бошлангич баҳоси - 4 428 711 сўм; 2001 йилда и/ч., д/р. 11A0338, "Мидибус 24,9" р-ли автобус, бошлангич баҳоси - 1 022 014 сўм; 2001 йилда и/ч., д/р. 11A0349, "Мидибус 24,9" р-ли автобус, бошлангич баҳоси - 1 022 014 сўм; 2001 йилда и/ч., д/р. 11A0356, "Мидибус 24,9" р-ли автобус, бошлангич баҳоси - 681 343 сўм; 2002 йилда и/ч., д/р. 10/119BAA, "Мидибус 24,9" р-ли автобус, бошлангич баҳоси - 4 490 335 сўм; 2001 йилда и/ч., д/р. 11A0278, "Мидибус 24,9" р-ли автобус, бошлангич баҳоси - 681 343 сўм; 2001 йилда и/ч., д/р. 11A0357, "Мидибус 24,9" р-ли автобус, бошлангич баҳоси - 3 747 381 сўм; 2001 йилда и/ч., д/р. 11A0339, "Мидибус 24,9" р-ли автобус, бошлангич баҳоси - 1 022 037 сўм; 2001 йилда и/ч., д/р. 11A0316, "Мидибус 24,9" р-ли автобус, бошлангич баҳоси - 3 593 169 сўм; 2001 йилда и/ч., д/р. 11A0904, "Мидибус 24,9" р-ли автобус, бошлангич баҳоси - 3 593 169 сўм; 2001 йилда и/ч., д/р. 11A0152, "Мидибус 23,9" р-ли автобус, бошлангич баҳоси - 2 557 626 сўм; 2002 йилда и/ч., д/р. 11A0155, "Мидибус 23,9" р-ли автобус, бошлангич баҳоси - 2 785 189 сўм; 4. Чиноз тумани СИБ томонидан хатланган: 4.1. Қўйрақ тумани, "Навруз Барака" МЧЖ жарама майдончасида сақланаётган, 01.06.2015 йилдаги 14501-сонли ижро ҳужжатида асосан, бошлангич баҳоси - 15 086 000 сўм бўлган, 2009 йилда и/ч., д/р. 102504AA, "Матиз" р-ли ав-на.

2017 йил 16 январь соат 12.00 да бошлангич баҳоси ошиб бориши тартибиди ўтказиладиган "Очиқ аукцион" савдосига қўйиладиган ав-

тотранспорт воситалари тақдоран қўйилмоқда: 1. Бўстонлик тумани СИБ томонидан хатланган: 1.1. Фазалкент шаҳри, "Мария" текстиль сервис" МЧЖ жарама майдонида сақланаётган, ЖИБ Тошкент вилояти, Бўстонлик тумани судининг 03.11.2016 йилдаги 1-329/16-сонли ижро варақасига асосан, бошлангич баҳоси - 32 000 000 сўм бўлган, 2014 йилда и/ч., д/р. 01X232TA, "Матиз" р-ли ав-на; 2. Бўқа тумани СИБ томонидан хатланган: 2.1. АТ "Микрокредит-банк" Бўқа филиали биноси майдонида сақланаётган, 07.04.2016 йилдаги 901-сонли ижро варақасига асосан, бошлангич баҳоси - 198 950 000 сўм бўлган, 2013 йилда и/ч., д/р. 04-71 НБ, "MTЗ-12212" р-ли трактор.

Савдолар Тошкент шаҳри, А. Темур 1-тор қўчаси, 6-ўйда жойлашган, "Савдо ташкилотчиси"нинг аукцион залида бўлиб ўтади. Аукцион савдоларига қўйилган автотранспорт воситалари билан СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдолари солиби савдо ўтган кундан бошлаб 5 (беш) банк кунини ичиди мулк учун тўловларни амалга ошириши лозим. Талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва савдодан бир кун олдин соат 12.00 да тўхтатилади. Аукцион савдоларида қатнашиш истагидаги талабгорлар тузилладиган закатал келишуви асосан мулк бошлангич баҳосининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закатал пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "Савдо ташкилотчиси"нинг АТБ "Infobank"даги, МФО 01041, ИНН 302477464, 20208000505015685001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва ариза билан бирга қўйиладиган ҳужжатларни топширишлари шарт. Жисмоний шахслар - паспорт нусхаси, закатал пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати, юридик шахслар - давлат рўйхатидан қўйилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ва Устав нусхаси, ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома; чет эл юридик ва жисмоний шахслари сўмдаги маблағларининг келиб чиқиши қўйилганлиги тасдиқлайдиган маълумот. Қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади. Мурожат учун манзил: Тошкент шаҳри, А. Темур 1-тор қўчаси, 6-ўй. Тел.: (+99895) 193-74-96, e-mail: info@auksion.uz. Гувоҳнома № 005148.

"VIP REAL ESTATE" МЧЖнинг АУКЦИОН САВДОЛАРИГА МАРҲАМАТИ

2017 йил 4 январь кунини соат 11.00 да мулкнинг бошлангич баҳоси босқичма-босқич оширилиши тартибиди ўтказиладиган "Очиқ аукцион" савдосига қўйилган, ФИБ Чирчик туманлараро судининг 06.04.2016 йилдаги 1-2147/16-сонли ижро варақасига асосан, Паркент тумани СИБ томонидан хатланган, бошлангич баҳоси - 77 000 000 сўм бўлган, Тошкент вилояти, Паркент тумани, "Сой" МФЙ, Ҳ. Аҳмад қўчасида жойлашган, умумий ер майдони 1500 кв.метр, яшаш майдони 87,5 кв.метр, 6 та хонадан иборат хонадон қўйилмоқда.

2017 йил 16 январь кунини соат 12.00 да мулкнинг бошлангич баҳоси босқичма-босқич оширилиши тартибиди ўтказиладиган "Очиқ аукцион" савдосига қўйиладиган мулклар қўйилмоқда: 1. ЖИБ Янгийўл туманлараро судининг 23.09.2015 йилдаги ижро варақасига асосан, Янгийўл тумани СИБ томонидан хатланган, бошлангич баҳоси - 171 655 242 сўм бўлган, Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Халқобод ҚФЙ ҳудудида жойлашган, гараж бино-ишоноти, 0001 маъмурий бино, 0002 қоруволхона, 0003 ҳоҳатхона, 0004 ҳовуз, 0005 бостирма, 0006 бостирма, 0007 гараж, 0008 бостирмадан иборат, умумий ер майдони 0,79 Га дан иборат гараж биноси қўйилмоқ-

да; 2. 11318-сонли ижро варақасига асосан, Бўстонлик тумани СИБ томонидан хатланган, бошлангич баҳоси - 81 054 000 сўм бўлган, Тошкент вилояти, Бўстонлик тумани, Чорбоғ ҚФЙ, "Чорбоғ Гузал боғи" БУШ ҳудудидаги 7/7-А ўйди жойлашган, ер участкасининг умумий майдони 0,0482 Га, қурилиш объекти сони 2 та, умумий фойдали майдони 59,9 кв.метр, яшаш майдони 30,5 кв.метрдан иборат бўлган уй қўйилмоқда; 3. ФИБ Чирчик туманлараро судининг 17.12.2015 йилдаги 774-сонли ижро варақасига асосан, Чирчик шаҳар СИБ томонидан хатланган, бошлангич баҳоси - 198 179 000 сўм бўлган, Тошкент вилояти, Чирчик шаҳри, 4-кичик ноҳия, 20-ўйда жойлашган, умумий майдони 450,61 кв.м., фойдаланиш майдони 348,6 кв.метрдан иборат бўлган "Гриль-Бар" кафе биносининг 93/100 қисми қўйилмоқда;

Савдоларга чиқарилган мулклар билан тегишли СИБ бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдолари солиби савдо ўтган кундан бошлаб 5 (беш) банк кунини ичиди мулк учун тўловларни амалга ошириши лозим. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00

"Best realtor" МЧЖ бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибиди ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога Янгийўл тумани СИБ томонидан, ФИБ Зангиота туманлараро судининг 19.09.2016 йилдаги 1-4870-сонли ижро ҳужжатида асосан, Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Э. Қовунчи ҚФЙ, Самарқанд қўчасида жойлашган, умумий ер майдони 497,10 кв.м. бўлган, 21-ўй қўйилмоқда, бошлангич баҳоси - 50 000 000 сўм.

Аукцион савдоси 2017 йил 17 январь кунини соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушиш). Аризалар қабул қилишининг охириги муддати: 2017 йил 13 январь соат 18.00 гача.

Савдога қўйилган мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.